

ADCB ислом банки Ўзбекистон бозорига киришни режалаштирмоқда



18:25 / 14.11.2024 1262

ADCB ислом банки (аввалги номи «Al-Hilal») Ўзбекистон бозорига киришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда ADCB ислом банкнинг Қозоғистондаги бош раҳбари Гордон Хаскинс «Интерфакс-Қозоғистон»га берган интервьюсида маълум қилди.

«Биз бизнесимизни Кавказдан тортиб Марказий Осиёгача бўлган минтақада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз», дейди Хаскинс. – Шу мақсадда биз ушбу минтақада жойлашган давлатлардаги имкониятларни кўриб чиқа бошладик. Кенгайтириш учун биринчи навбатда Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари кўриб чиқилмоқда. Яъни, бунинг эҳтимоли катта. Шундан сўнг, биз минтақанинг бошқа мамлакатларини кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон молия бозорига турли ташқи иштирокчиларнинг қизиқиши ва кириб келиши кузатилмоқда.

Жумладан, Alif компанияси ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган маҳсулот ва хизматларини таклиф қилиб аҳоли ўртасида анча машҳур бўлиб қолди. Бу эса аҳоли томонидан ислом молияси маҳсулотларига қизиқиш катталигининг яна бир исботи дейиш мумкин.